



ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШ БОСҚИЧНИ СОДДАЛАШТИРИШГА ОИД КОНТИНЕНТАЛ ХУҚУҚ ТИЗИМИГА ЭГА МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Ботайев Мурод Джуманишикович

*Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси Криминалистика ва суд экспертизалари
кафедраси доценти, юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент
botayevmurod@gmail.com; +998974412104*

Аннотация: Мақола жиноят-процессуал жараёнда ишни судга қадар юритишни соддалаштиришга доир континентал ҳуқуқ тизимига эга давлатларнинг тажрибасини таҳлил қилади. Жиноят жараёнида ортиқча қоғозбозлик, муддатларнинг чўзилиши ва фуқароларнинг бир неча маротаба ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишлари бу тизимда ишларни тез ва самарали ҳал этишга бўлган талабни оширади. Мақолада айни пайтда континентал ҳуқуқ тизимидаги жиноят-процессуал механизмларни соддалаштириш учун айбга иқдорлик, келишувлар ва буйруқ тартибида иш юритиш каби институтларнинг ривожланиш босқичлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: жиноят-процесси, судга қадар иш юритиш, континентал ҳуқуқ тизими, ортиқча қоғозбозлик, муддатларнинг чўзилиши, айбга иқдорлик, келишувлар, буйруқ тартиби, хорижий тажриба.

Аннотация: Статья анализирует опыт стран с континентальной правовой системой в упрощении досудебного производства в уголовных процессах. Избыточная бумажная волокита, затяжки в сроках и многократные обращения граждан в органы правопорядка повышают требования к быстрой и эффективной обработке дел в этой системе. В статье рассматриваются этапы развития институтов, таких как признание вины, соглашения и упрощённое производство, направленные на упрощение уголовно-процессуальных механизмов в рамках континентальной правовой системы.

Ключевые слова: уголовный процесс, досудебное производство, континентальная правовая система, избыточная бумажная волокита, затяжки в сроках, признание вины, соглашения, упрощённое производство, зарубежный опыт.

Annotation: The article analyzes the experience of countries with a continental legal system in simplifying the pre-trial process in criminal procedures. Excessive paperwork, prolonged timelines, and citizens' repeated appeals to law enforcement agencies increase the demand for swift and effective resolution of cases in this system. The article examines the stages

of development of institutions such as plea bargaining, settlements, and summary orders in order to simplify criminal procedural mechanisms within the continental legal system.

Keywords: criminal procedure, pre-trial process, continental legal system, excessive paperwork, delayed timelines, plea bargaining, settlements, summary orders, foreign experience.

КИРИШ.

Жиноят-процессуал муносабатларда шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали муҳофаза қилиш, процесс иштирокчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, жиноятдан жабр чеккан шахсларга етказилган зарарни қоплаш, айбсиз инсонлар жавобгарликка тортилмаслигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг жиноятларга доир мурожаатларини ўз вақтида рўйхатга олиш ва қонунда белгиланган тартибда қисқа вақтда ҳал этиш бўйича самарали механизмларни жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани жорий этиш объектив заруратга айланмоқда.

Лекин бугунги кунда жиноятга оид ариза ва хабарларни кўриб чиқиш жараёнида ортиқча қоғозбозликнинг мавжудлиги, муддатининг чўзилиб кетаётганлиги, фуқароларнинг бир иш юзасидан бир неча маротаба ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақирилиши натижасида уларнинг давлат органларига ёрдам бериш ҳаракатларининг ўрнига ўзларини четга олиш ҳолатларининг кузатилаётганлиги жиноят процессида ишни судга қадар юритиш босқичини ўтказишни соддалаштириш билан боғлиқ тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш заъруратини вужудга келтирмоқда.

Бу эса ўз навбатида ишни судга қадар юритиш билан боғлиқ бўлган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганишни, уларнинг ижобий тажрибасини мамлакатимиз қонунчилигига имплементация қилиш бўйича тегишли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Хорижий мамлакатларнинг жиноят-процессуал нормаларининг шаклланишига ўз эътиборимизни қаратадиган бўлсак, бир қанча ҳуқуқ оилалари ичида континентал ҳуқуқ тизими ўзига ҳос аҳамият касб этади.

Авваламбор, соддалаштирилган тартибда иш юритишнинг шакллари ўртасидаги фарқ англо-саксон ҳуқуқ тизими ва континентал ҳуқуқ тизимининг фундаментал ғояларидан келиб чиқишини таъкидлаш ўринли.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР.

Континентал ҳуқуқ тизимида айбига иқрорлик бошқа далиллардан устун эмас ва айбланувчининг айбига иқрорлиги унга нисбатан ишнинг процессуал шаклига таъсир қилиши мумкин эмас. Мазкур шаклда асосий хавф процессда “формал далиллар назарияси” қўлланишидан яъни “айбига иқрорлик” бошқа далиллардан устун қўйилиши мумкинлиги билан боғлиқ.

Е.В.Корчаго Европа давлатларида процессуал келишувлар институтининг кенг қўлланишининг айбга иқрорлик ҳақида келишув ишни тезроқ ҳал қилиш, келишув

адолатли ва виждонга мувофиқ ҳаракат қилиш имконини беради, сабаби ҳукм чиқариш вақтидаги қатъий чегаралар судьянинг имкониятларини чеклайди, баъзида айбланувчининг алоҳида вазиятини ҳисобга олмайди, келишув суд мажлисига қадар қамоққа олинган айбланувчининг мажбурий ҳаракатсизлигини яъни ҳеч қандай иш билан шуғулланмасдан суд мажлисини кутишини олдини олади, айб эълон қилиниши ва иш бўйича қарор чиқарилиши ўртасидаги муддат қисқаради, келишув давлатга айблов тарафи билан келишув тузган айбланувчидан олинган маълумот ёки кўрсатувлар мавжуд бўлмаганида жазолашнинг имкони бўлмаган юқори даражадаги жиноятчиларни жавобгарликка тортиш имконини беради[1] деб таъкидлайди.

Бугунги кунда процессуал келишув институтлари турли шаклларда, Италия, Франция, Швеция, Норвегия, Эстония, Исроил, Россия Федерацияси, Грузия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова ва бошқа бир қатор давлатларда қўлланилади.

Мазкур институт аста-секин континентал жиноят процессига кириб келди. Масалан 1988 йилда Италия ЖПКсига киритилган ўзгартиришларга кўра, ишни судга қадар юритиш ёки дастлабки суд муҳокамасида прокурор ва айбланувчи ўртасида ўта оғир жиноятлар бўйича келишув (*patteggiamento*) тузилиб, унга кўра жарима ёки 2 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади. Агар келишув суд томонидан тасдиқланса ҳукм чиқарилган ҳисобланади агар рад қилинса иш умумий тартибда давом эттирилади. Кейинчалик шунга ўхшаш институтлар Германия, Испания ва Португалияда ҳам жорий қилинди.

Францияда 2004 йил 9 мартдаги қонунга мувофиқ, прокурор 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш кўзда тутилган ишлар бўйича судга алоҳида тартибда иш юритиш бўйича мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Агар айбланувчи айбига иқдор бўлиб, жазога рози бўлса келишув суд томонидан тасдиқланади. Жазо қонунда белгиланган жазонинг ярмидан кўп бўлиши мумкин эмас ёки бир йилдан кўп муддатга озодликдан маҳрум қилиш белгиланиши мумкин эмас.

Бельгия ва Швеция қонунчилигида айбга иқдорлик ҳақида келишувда айбланувчи ўзининг ҳуқуқлари шу жумладан конституцияда белгиланган суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқидан воз кечиши эвазига эга бўладиган имтиёзлар аниқ белгиланади. Булар шахс айбланаётганидан кўра енгилроқ жиноятни содир этганлигига иқдор бўлишга рухсат берилиши, бир неча банддан иборат айбловнинг фақат айрим бандларини иқдор бўлиш ёки ҳукм чиқариш вақтида енгилроқ жазо тайинлаш ҳақида давлат томонидан судга бериладиган тавсиянома олишда ифодаланиши мумкин.

Континентал ҳуқуқ тизимида келишувга эришиш учун музокаралар олиб бориш тартиби белгиланмаган бўлсада музокалар давлат номидан иш кўрадиган прокурор ва айбланувчининг манфаатларини ифодаловчи адвокат ўртасида ўтказилади. Музокаралар телефон орқали ёки бевосита мулоқот тарзида ўтказилиши мумкин. Бироқ бундан аввал ҳимоячига айблов томонда мавжуд далиллар билан танишиш яъни хатарни баҳолаш

имкони берилади. Одатда айбланувчи музокараларда қатнашмасда, адвокат музокара мазмунини яширмасдан унга етказиши зарур.

Буюк Британия тажрибасининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, суд суммар тартибда ҳар қандай ишни кўриб чиқиши мумкин, бироқ суд ишнинг мазмунидан ва айбланувчининг шахсидан келиб чиқиб, судланувчига муайян чегарадан юқори жазо тайинлаш керак деб топса соддалаштирилган тартибда иш юритишни тугатиб, ишни юқори турувчи судга беради, яъни соддалаштириш шаклини танлаш ваколати судьяда мавжуд. Буюк Британия ва Норвегияда айбга иқрор бўлмасда унга эълон қилинган айблов юзасидан низоласмаслик шаклида келишув ҳам мавжуд. Бунда айбланувчи фақатгина процессуал ҳуқуқларидан шу жумладан судда ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқидан воз кечади натижада суд муҳокамаси тезроқ якунланади, айбланувчи ўзининг обрўсини сақлаб қолиш имкониятига эга бўлади.

Швейцарияда айбга иқрорлик ҳақида келишув юзасидан иш юритишнинг ўзига хос шакли буйруқ тартибида иш юритиш ҳисобланади (*der Strafbefehl*). Мазкур тартибга кўра агар дастлабки тергов босқичида айбланувчи унинг айблилиги ҳақида ҳолатларни тан олса, прокуратура уни жазолаш ҳақида буйруқ чиқаради ва қуйидаги жазо турларидан бирини тайинлайди.

Агар 10 сутка ичида айбланувчи ёки бошқа манфаатдор шахслар, юқори турувчи прокуратура органлари томонидан эътироз билдирилмаган тақдирда жазолаш ҳақида буйруқ ҳукмга тенглаштирилади. (ЖПК 354-моддаси 1-қисми). Агар улар буйруққа норозиликни билдирга тақдирда прокуратура эътирозни ҳал қилиш учун қўшимча далиллар йиғади ва натижасига кўра қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

- а) жазолаш ҳақида буйруқни ўз кучида қолдиради;
- б) иш юритишни тугатади;
- в) жазолаш ҳақида янги буйруқ чиқаради;
- г) биринчи инстанция судида ишни кўриш учун айблов эълон қилади.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА.

Прокуратура жазолаш ҳақида буйруқни ўз кучида қолдирилган тақдирда процессуал ҳужжатлар биринчи инстанция судига мазмунан кўриш учун берилади. (ЖПК 356-моддаси 1-қисми). Суд ёки буйруқни ўз кучида қолдиради ёки ҳақиқий эмас деб топиб умумий тартибда дастлабки тергов ўтказиш учун прокуратурага юборади. Австрия жиноят-процессуал қонунчилиги 2 турдаги соддалаштириш тартибни назарда тутади: соддалаштирилган ва буйруқ тартибида иш юритиш. Соддалаштирилган тартибда иш судья томонидан яқка тартибда кўрилади, бундай ҳолда шахс айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинмайди. Ишни бундай тартибда кўриш учун давлат айбловчиси ёки хусусий айбловчининг илтимосномаси асос бўлади. Агар айбланувчи оқланган ёки қилмишидан тўлиқ пушаймон бўлган ҳолда айбдор деб топилган бўлса суд мажлиси баённомаси ва ҳукм ягона ҳужжат шаклидаги қарор билан

алмаштирилиши мумкин. Шу билан бирга суд қарорига нисбатан ҳеч қандай чекловсиз шикоят берилиши мумкин [2].

Германияда 1974 йилга қадар Францияга ўхшаш даслабки тергов тизими мавжуд бўлган бўлсада, қонун чиқарувчи иш юритишни соддалаштириш мақсадида дастлабки терговдан воз кечган. Буйруқ тартибида иш юритиш Германия Федератив Республикаси ЖПКнинг 407-412-моддаларида ҳам белгиланган бўлсада, прокуратура буйруқ чиқаришга ваколатли эмас. Швейцарияда суднинг роли буйруқ тартибида иш юритишнинг қонунийлигини текшириш билан чекланган бўлса, Германияда прокурор суриштирув натижасига кўра суд муҳокамаси ўтказиш зарурати йўқ деб топса судга бу ҳақда илтимоснома киритиши мумкин. Судья қандайдир шубҳа тўсқинлик қилмаса буйруқ тартибида жазо тайинлаш ҳақида прокурорнинг илтимосномасини қаноатлантириши лозим, бироқ буйруқ тартибида иш кўриш натижасига кўра озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин эмас. Бироқ, бунда Германия жиноят процесиди судьянинг активлиги ва сабабини кўрсатмасдан илтимосномани рад қилиш ҳуқуқига эгаллигини назарда тутиш лозим. Германия жиноят процессининг ўзига хос хусусиятларидан бири, бу ишни соддалаштирилган тартибда кўриб чиқишнинг ривожланганлигидир, кўриладиган ишларнинг умумий сонидан 70 фоизи шу тартибда кўрилади [3].

Ишни соддалаштирилган тартибда кўриш “жазолаш ҳақида буйруқ” деган ном остида юритилади. У участка судьялари томонидан кам аҳамиятли, яъни бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган жиноятлар(жиноий ҳуқуқбузарликлар)бўйича қўлланилади. Прокурор суриштирув маълумотларига асосланган ҳолда ёки полиция жазо ҳақида буйруқ лойиҳаси билан участка судьясига мурожаат қилади. Судья ёзма тартибда айбланувчининг иштирокисиз қуйидаги қарорларга келади, яъни етарли гумоннинг тасдиқланмаганлиги боис илтимосномани рад этади, ишни суд муҳокамасига тайинлайди ёки дарҳол жазолаш ҳақида буйруқ чиқаради. Жазолаш тўғрисидаги буйруқ агар айбланувчи буйруқ билан танишиб чиққандан сўнг етти кун ичида шикоят бермаса, қонуний кучга киради ва ҳукм қонуний кучига эга бўлади. Агар шикоят билдирса, умумий қоидага кўра судда ишни кўриш тайинланади [4].

Буйруқ тартибида иш юритишда район суди томонидан суд муҳокамаси ўтказмасдан жазо тайинланади. Бундай тартибга айбланувчи айбига тўлиқ иқрор бўлган ва етарли далиллар мавжуд бўлган ҳолларда йўл қўйилади. Вояга етмаганларга нисбатан ва хусусий айблов тўғрисида ишлар юзасидан буйруқ тартибида иш юритишга йўл қўйилмайди, шунингдек мазкур тартиб билан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш мумкин эмас.

Германия Конституциявий суди 1987 йил 27 январдаги қарори билан келишувларнинг қатъий доирасини белгилаб, биринчидан ҳеч қандай келишув “ҳукм кийимида” бўлмаслиги яъни шахс айблов ва ҳимоя ўртасидаги келишувга асосан ҳукм

қилиниши мумкин эмаслиги, иккинчидан одил судлов билан савдолашишга йўл қўйилмаслиги, учинчидан келишувга фақатгина жиноят-процессуал ва моддий ҳуқуқий принциплар: суднинг ишнинг ҳолатларини ҳар томонлама аниқлаш мажбурияти, шахс фақатгина унинг айбдорлиги аниқланганда судланиши, суд олдида ҳуқуқлар тенглиги, айбланувчи томонидан эркин (жисмоний ёки рухий мажбурловсиз) қарор қабул қилиниши устуворлиги таъминлангандагина йўл қўйилишини кўрсатиб ўтган. Айбланувчи айбловчи билан келишув натижасида олиши мумкин бўлган афзалликлар фақатгина қонунга асосланиши ва моддий ҳақиқат принципи суд учун келишув тузилган-тузилмаганлигидан қатъий назар мажбурий бўлиб қолади [5].

Испания жиноят процессида «conformidad» деб номланувчи, айбланувчи прокурор томонидан қўйилган айблов ва таклиф қилинган жазо чорасига рози бўлган ҳолларда, далилларни текширмасдан жазо тайинлашни назарда тутувчи соддалаштирилган тартиб 1882 йилдан буён қўлланади.

1988 йилдан Испания жиноят-процессуал қонунчилиги 6 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўзда тутилган жиноят ишлари бўйича, айбланувчи дастлабки эшитув чоғида прокурор томонидан таклиф қилинган жазо чорасига рози бўлган тақдирда, суднинг томонлар келишган жазо чорасини тайинлаб, айблов ҳукми чиқаришини кўзда тутувчи ўзгартиш киритилди.

Италиянинг 1998 йилдаги жиноят-процессуал кодекси ҳам 2 турдаги соддалаштирилган тартибни назарда тутди: жазо ҳақида келишув (pattejamento) ва суд буйруғи (abbreviato). Италия ЖПКнинг 438–443-моддаларига мувофиқ «abbreviato» дастлабки эшитув доирасида айбланувчининг илтимосномасига биноан далилларни текширмасдан ҳукм чиқариш орқали амалга оширилади. Бундай ҳолда айбланувчига максимал жазонинг учдан бир қисмидан кўп бўлмаган жазо кафолатланади [6].

Жазо ҳақида келишув институти эса фақатгина жазо муддати 5 йилдан жиноятлар бўйича қўлланиши ва максимал жазонинг 2/3 қисми тайинланиши мумкин. Агар судья судланувчининг айбини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмаслиги ҳақида ҳулосага келса у келишувни тасдиқлашни рад қилиб, ишни мазмунан кўришга киришиши мумкин.

Чехия Республикаси ЖПКга мувофиқ жиноят ишлари бўйича туман суди судловига тегишли, 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноятлар учун соддалаштирилган дастлабки иш юритувига йўл қўйилади. Ушбу тартиб гумон қилинувчи жиноят устидан ёки бевосита уни содир этгандан сўнг қўлга тушган, ариза ёки жиноий таъқиб қўзғатиш учун бошқа сабабни текшириш чоғида гумон қилинувчи 2 ҳафтагача муддат ичида судга бериш мумкин бўлган ҳолларда қўлланади [7].

ХУЛОСА.

Демак соддалаштирилган тартибда иш юритишнинг континентал тизимда қўлланишининг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

-соддалаштирилган тартибда иш юритиш- одатда бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланиши мумкин бўлган ишлар тоифаси билан чекланган буйруқ

тартибида иш юритиш(Австрия, Швейцария, Германия ва келишув тартибида иш юритишга ажратилади.

-АҚШда “айбига иқдорлик ҳақида келишув”ни қўллаш жиноятларни муайян тури ёки оғирлик даражаси билан чекланмаган ва истисносиз қўлланиши мумкин, континентал тизимда асосан муайян тоифадаги асосан унча оғир бўлмаган жиноятлар билан чекланган;

-континентал тизимда “айбига иқдорлик ҳақида келишув” тасдиқланишидан аввал дастлабки тергов мажбурий бўлиб, ишни судга қадар юритувчи органларни ишни ҳолатларини аниқлаш мажбуриятдан халос қилмайди, натижада судда айбига иқдорликни мавжуд далиллар билан солиштиради, фақатгина суд тергови ўтказилмайди. АҚШда эса прокурор судга фақат келишувни тақдим қилади, бошқа ҳеч қандай далиллар тақдим қилмайди.

-континентал тизимда судланувчига тааллуқли имтиёзлар қонунда аниқ белгилаб қўйилган бўлиб, қонунда белгиланмаган имтиёзлар келишув предмети бўлиши мумкин эмас;

-Континентал тизимда тарафлар ўртасида келишув битими тузишга фақат дастлабки якунлангандан кейин йўл қўйилади.

- Континентал тизимда АҚШ каби айбловнинг баъзи эпизодларини чиқариб ташлаш келишув предмети бўлиши мумкин эмас.

Натижада континентал тизимда исботлашдан тўлиқ воз кечилмайди, фақатгина далилларни судда текширишдан яъни суд терговидан воз кечилади.

Континентал Европа давлатларида жиноят суд ишларини юритиш асослари (соддалаштириш учун зарур шарт-шароитларга):

1) жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси (максимал жазо миқдorigа боғлиқ одатда 1 йилгача)

2) айбланувчининг соддалаштирилган тартибда қарор қабул қилиш ҳақида қарори(айбланувчининг айбига иқдор бўлиши ёки соддалаштирилган тартибга рози бўлиши ёки бунга эътирози бўлмаслиги. Бунда айбга иқдорлик қонун чиқарувчи томонидан жазони енгиллаштириш билан рағбатлантирилади.

3) соддалаштирилган тартибни қўллаш учун прокурорнинг ташаббуси ёки бундай тартибни қўллашга прокурорнинг эътироз билдирмаслиги;

4) жабрланувчининг соддалаштирилган тартибни қўллашга эътирози розилиги ёки эътироз билдирмаслиги;

5) суднинг ишни ҳал қилишнинг соддалаштирилган тартибига эътироз билдирмаслигидан иборат.

Аксарият Европа давлатларида жиноят ишларини соддалаштириш учун жиноят-ҳукукий мезондан фойдаланилади. Масалан, Эстония соддалаштирилган тартибда 2 йилгача Польша, Хорватия ва Чехияда 3 йилгача, Франция ва Италияда 5 йилгача

озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўзда тутилган ишлар соддалаштирилган тартибда кўриб чиқилиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Корчаго Е.В. Анализ результатов применения института «Plea Bargaining» органами предварительного расследования и судами г. Севастополя // Мировой судья. 2019. № 4. С. 34.
2. Platzgummer W. Grundzuge des osterreichischen Strafprozessrechtes. – Wien, 1977. – S. 82.
3. Боботов С.В. Буржуазная юстиция. Состояние и перспективы развития / Отв. ред.: Яковлев А.М. - М.: Наука, 1989.. Б.69
4. Калиновский К.Б., Файзиев Ш.Ф. Хорижий мамлакатлар жиноят процесси. ю.ф.д. проф. М.Х.Рустамбоевнинг таҳрири остида.-Т.: ТДЮИ нашриёти, 2010. -8 б.
5. Головки Л.В. Альтернативы уголовному преследованию в современном праве С. 197–198.
6. Головки Л.В. Альтернативы уголовному преследованию в современном праве. – СПб., 2001. – С. 191 – 193.
7. Trestní d (Z kon o trestní m zen soudní m). — URL: http://business.center.cz/business/pravo/zakony/trestni_rad/